

ХАЛҚИМИЗ ЯНГИЧА ЎЗГАРИШЛАР, ЯНГИ ТАШАББУСЛАРНИ КУТЯПТИ

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 10 август куни иқтисодиёт ривожини, маҳаллалар ҳаёти, sanoat корхоналари ва янги ишлаб чиқариш қувватлари билан танишиш мақсадида Бухоро вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифини Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилишдан бошлади. Қуръон оятлари тиловат қилинди. Аллоҳ таолодан ўтганларга раҳмат, юртимизга тинчлик-фаровонлик талаб дуо ўқилди.

Диний уламо билан суҳбатда ёшлар таълим-тарбияси, ислом маърифати ҳақида сўз борди. Ёшларнинг ёт гоғлар таъсиридан асраш, бандлигига қўмаклашиш, муҳтож oilаларни aloҳида меҳр-эътиборга олиш муҳимлиги таъкидланди. Шу ерда мажмуа атрофида режалаштирилаётган қурилиш-таъмирлаш лойиҳаси кўриб чиқилди. Унга кўра, Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасига Тоқимёна дарвозасидан борувчи тарихий йўлакни тиклаш, Дониёлбий мадрасасини таъмирлаш, таҳоратхона ва музей барпо этиш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари зиёрат ту-

ризми учун шароитларни кенгайтириш, хориждан Бухорога тўғридан-тўғри қатновлар ва меҳмонхона ташкил этиш, қабристонни ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро вилояти Когон туманидаги "Сиевуш текстиль" корхонаси фаолияти билан танишди. Бу жой илгари унумсиз, бўш турган майдон эди. Тадбиркорларга шароит яратиш мақсадида ҳудуд "Ғиждувон" эркин иқтисодий зонасига киритилган. Зарур инфраструктура барпо этилган, бу ерда sanoat ривожланди. Хусусан, "Сиевуш текстиль" масъулияти чекланган жамиятининг 36 миллион долларлик лойиҳаси ўтган ойда ишга тушди. Унда йилига 40 минг тонна акрил ип-кавала йиғириш қуввати ҳамда 600 иш ўрни яратилди.

— Бу Янги Ўзбекистондаги янги йўналиш, — деди Шавкат Мирзиёев. — Юртимизда тўқимачилик sanoati ривожланяпти. Агар корхоналар қўшилган қиймат яратиб, даромадини ошираман деса қисман акрил ишлашига тўғри келади. Ундан тайёрланган маҳсулот қиймати 5 баробар ошади. Бу — манфаатдорлик, барқа-

дорлик, одамларга иш ўрни, дегани. Шунинг учун давлат пахтани қайта ишлашга қанча қўмақдош бўлган бўлса, энди сунъий тола ишлаб чиқаришга ҳам шундай ёрдам беради.

Корхонада лойиҳанинг биринчи босқичи иш бошлаган. Айни пайтда хорижлик ҳамкорлар билан корхона фаолиятини кенгайтириш устида иш олиб борилмоқда. Режага кўра, кейинги босқичда акрил тола ҳамда ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тўлиқ маҳаллийлаштирилади. Жами иш ўрни сони 1 минг 200 тага етади.

Президентимиз "Бухоро Агрокластер" тизимидаги бир қатор корхоналар фаолияти билан ҳам танишди.

Хусусан, Бухоро шаҳридаги "Бухоро Агрокластер ДЗЗ" корхонасида сутни қайта ишлаш ва қадоқлаш йўлга қўйилган. 6,2 миллион доллар инвестиция эвазига қаровсиз майдонда барпо этилган мажмуага Италия ва Россиядан ускуналар келтириб урнатилган. 2021 йилда очилган корхонада бугунги кунда йилига 22 минг тонна сут қайта ишланмоқда. Ундан тайёрланаётган кефир, сут, пилшоқ, йогурт, қаймоқ, сметана каби маҳсулотларнинг тури қирқдан ортиқ.

Корхонада 150 нафар аҳоли доимий иш билан таъминланган. Президентимиз бу ердаги иш жараёни ва маҳсулотларни кўздан кечирди.

Иш кўлами ва даромаднинг ортиши кластер фаолиятининг кенгайтиришига хизмат қилади. Мажмуа ҳудудида янги иншоотлар қурилди. Хусусан, корхона тизимида ер майдонлари унумдорлигини аниқлаб берувчи замонавий лаборатория ишга туширилди. У Германиянинг замонавий технологиялари билан жиҳозланган. Бу ерда тупроқ таркибидаги қирқдан ортиқ, сув таркибидаги ўнга яқин кўрсаткичларни аниқлаш имконияти мавжуд. Бухоро вилояти экин майдонларининг шўрланганлик даражаси бошқа ҳудудларга нисбатан юқори. Ҳосилдорликка эришиш учун тупроқ таҳлили ниҳоятда зарур. Бу лабораторияда тупроқнинг кимёвий таркиби ўрғанилиб, шу орқали ўсимликларнинг минерал ва органик ўғитларга бўлган талаби аниқланади. Тупроқ хоссалари, шўрланиш даражаси ҳам ўрғанилади. Унинг натижалари асосида ерни меъёрлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилади.

(Давоми 2-бетда) ►

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, одил судловга эришишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар қатъият билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президентининг ушбу соҳани такомиллаштиришга қаратилган ўндан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилингани ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Моҳият

ЯНГИ ҚОНУН:

суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлашга қаратилган



Шу билан бирга, одил судлов сифати ҳамда самарадорлигини оширишга қаратилган учта Кодекс ва "Судлар тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Амалдаги бир қатор қонунларга муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. (Давоми 3-бетда) ►

2023 йил 9 августдан Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида"ги қонуни кучга кирди.

Коррупцияга қарши экспертиза қонун асосида амалга оширилади

Шу пайтгача норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш қонун билан эмас, балки Адлия вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган низом асосида тартибга солинган.

Бу эса, қонунчилик ҳужжатларида коррупциявий бўшлиқларнинг юзага келишига замин яратган. Янги қонун соҳадаги бир қатор муаммоларни бартаф раф этади.

— Қонун билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасининг асосий принциплари белгиланди, — деди Сенатнинг суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Наримон

Умаров. — Бу — қонунийлик, мустақиллик, холислик, коррупцияга қарши экспертиза ўтказишининг мажбурийлиги, коррупцияга қарши экспертиза натижаларининг асослангани, очиклик ва шаффофлик принципларидир.

Қонунда коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва уларнинг лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси ва чеклист кабилар асосий тушунчалар сифатида белгиланди.

Коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар — коррупциянинг кўринишлари учун, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун имконият яратадиган ҳуқуқий нормалардир.

(Давоми 3-бетда) ►

Бурч ва мажбурият

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада барқарорлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирishiлари, хусусан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

АУТСОРСИНГ ШАРТНОМАСИ

алоҳида масъулиятни талаб этади



Тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор имконият ва имтиёزلарни назарда тутувчи, уларни иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояловчи қонунчилик механизмлари шакллантирилди ҳамда улар йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда "Давлат бозор му-

носабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди", деган қоида белгилангани, айниқса, жуда аҳамиятлидир.

(Давоми 3-бетда) ►

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 32 ЙИЛЛИГИГА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Мустақил тараққиёт йўлидаги кенг кўламли ислохотларни изчил давом эттириш, барча соҳа ва тармоқлар ривожини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида бугунги кунда юртимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро эркин ҳамда фаровон яшайдиган янги жамият ва давлат барпо этилмоқда. Ушбу ҳаётий ҳақиқат Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 27 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридан яна бир бор эътироф этилди.

Шу кунларда кўп миллатли халқимиз Ватанимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берган унутилмас тарихий воқеа — Мустақиллигимизнинг ўттиз икки йиллик санасини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Шу муносабат би-

лан жойларда ўтказилаётган «Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!» деган бош ғояни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбирларда бошқа соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар самаралари ҳақида ҳам атрофлича сўз юритилмоқда.

Чунки бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг халқа-

ро майдондаги мавқеи ушбу давлатда қонун устуворлиги ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги қай даражада таъминланганига қараб белгиланади. Судлар фаолияти ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинлиги билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилган.

(Давоми 2-бетда) ►

Ҳозирги пайтда иқтисодиётда банк кредитларининг улуши тобора ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, ушбу тоифадаги низоларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлмоқда. Айни чоғда судларда кредит шартномаси бўйича қарздорликни ундириш бўйича ишлар Фуқаролик кодекси, "Ипотека тўғрисида", "Таров тўғрисида", "Таров реестри тўғрисида"ги қонунлар, шунингдек, Олий суд Пленумининг тегишли қарорлари асосида ҳал қилинмоқда.

Таҳлил ва таклиф

Кредит қарзини ундириш: талаб, муаммо, ечим

Ўтган йилда биргина Навоий вилояти фуқаролик ишлари бўйича туман ва туманлараро судлари томонидан кредит қарздорлигини ундириш билан боғлиқ низоларга оид 11 минг 544 та фуқаролик иши кўриб чиқилган. Шундан 9 минг 385 та иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган.

Бунда 9 минг 119 та иш бўйича даъволар қаноатлантирилган, 266 та иш бўйича даъволарни қаноатлантириш рад қилинган, 2 минг 134 та иш бўйича даъво

аризалар кўрмасдан қолдирилган. Шунингдек, 25 та иш юритишдан тугатилган, 1 минг 971 та суд буйруғи чиқарилган, 4 минг 88 та ҳал қилув қарори сиртдан қабул қилинган, 1 минг 685 та ҳал қилув қарори сиртдан бекор қилинган.

Кредит шартномасига оид ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 709 та ишда кредит қарздорлиги билан бирга гаров таъминотини ундириш ҳам сўралган. Фуқаролик процессуал кодексининг



171-моддасида: талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса; талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса; ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, ундирувчи қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти бўлган кўчар мол-мулкка қаратиш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса, суд буйруғи берилиши назарда тутилган.

(Давоми 2-бетда) ►

Тарих тилсимлари

√0 — ЖАҲОНШУМУЛ КАШФИЁТ

ёхуд ал-Хоразмийнинг бой илмий мероси



Бугунги кунда қўлланилаётган жуда кўп ихтиролар аждодларимизнинг теран тафаккури маҳсулидир. Ахборот технологияларининг асосини ташкил этувчи алгоритмлар IX асрда яшаб ўтган буюк ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг номидан олинган, алгебра фани унинг "Алжабр вал-муқобала" китобининг номланишидан келиб чиққани айни ҳақиқат.

(Давоми 4-бетда) ►

ХАЛҚИМИЗ ЯНГИЧА ЎЗГАРИШЛАР, ЯНГИ ТАШАББУСЛАРНИ КУТЯПТИ

◀(Бошланиши 1-бетда)

Бу ерда шакллантирилган маълумотлар корхонанинг яна бир лойиҳаси – “Agro Smart Map Uz” платформасига юклар борилди. Шу маълумотлар асосида ер эгалари керакли агротехнологик тавсиялар олади. Давлатимиз раҳбари лабораториядаги шароитлар билан танишди. Президентимизга “Бухоро Агрокластер”нинг бошқа лойиҳалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилояти Ромитан тумани Қаҳрамон маҳалласи аҳолисининг турмуш тарзи билан яқиндан танишди. Бу ерда 3 минг 900 нафарга яқин аҳоли яшайди. Маҳалланинг драйвери ҳунармандлик ва иссиқхона хўжалиги, десак, муболага бўлмайди. 200 гектар майдондаги иссиқхоналарда бозорбон саваботлар етиштириб сотилади. Шунингдек, мебелсозлик, тикувчилик, зардўзлик яхши ривожланган.

Президентимиз шу ерлик Халил Қобилов ва Гулбахор Тўхтаевалар хонадонидан бўлди. Қўни-қўшнилари, оқсоқоллар йиғилиб, самимий давра курилди.

Маҳалла раиси ҳудуддаги ўзгаришлар, одамлар ҳаёти ҳақида сўзлаб берди.

Маҳаллада ўндан ортиқ савдо дўкони, тикувчилик устaxonалари, меҳмонхона ва ресторанлар бор. Уларда маҳаллий ёшлар ишлаб, даромад топмоқда. Умуман айтганда, маҳаллада ишсиз одам йўқ, ўтган даврда биронта жиноят содир этилмаган. “Обод маҳалла” дастури асосида инфратузилма яхшиланган. Хусусан, ички йўллар асфальтланиб, пидедалар йўлакларини қурилган. Трансформатор ўрнатилиб, электр тармоқлари янгиланган.

— Одамларга нима куч беради? Ислохотлар натижасини ўз ҳаётида кўриш. Бугун одамларимиз шундай руҳ билан эртанги кунга интиляпти. Ҳаракат қилган оиланинг бири икки бўляпти. Халқимиз бизга катта ишонч билдирди. Янгича ўзгаришлар, янги ташаббусларни кутяпти. Бу жуда юксак масъулият, — деди Шавкат Мирзиёев.

Учрашувда нурунийлар ёшлар тарбияси, туман ривожини бўйича ўз тақлифларини билдирди.

Шавкат Мирзиёев Ромитан туманидаги “WBM Romitex” корхонаси фаолияти билан танишди. Бу корхона миқёси ва салоҳияти жиҳатидан улкан имкониятларга эга. Лойиҳа қиймати 93 миллион доллардан зиёд. Унинг жами ҳудуди 20, ишлаб чиқариш майдони 7 гектарни ташкил этади. Корхонага Туркия ва Германиядан илғор ускуналар келтириб ўрнатилган. Шу тариқа йилига 25 минг тонна ип-калага тайёрлаш қуввати ва 1000 иш ўрни яратилган.

— Ромитан шароитида бундай корхонанинг бўлиши қувонарли. Бунга давлат инфратузилма, маблағ, имконият жиҳатидан қўмаклашди. Энг катта натижа — минг нафар хотин-қизлар ишли бўлгани, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 10 январдаги “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини

қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бундай корхоналарга катта мадад бўлди. Жумладан, уларга револьвер кредитлаш асосида айланма маблағ ажратилгани ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлади. Лойиҳанинг иккинчи босқичида тайёр мато ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Муҳими, бу туфайли уч мингга яқин иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари маҳсулотлар тури ва сифатини ошириб, экспортни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг Ромитан туманида Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Унда дастлаб Бухоро вилоятидаги янги саноат, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа мажмуаларини ишга тушириш маросими ўтказилди. Булар – Вобкент туманидаги “Вобкент тола кластер”, Қоракўл туманидаги “Қоракўл қумуш калава”, Қоровулбозор туманидаги “Бухоро реал мото”, Бухоро шаҳридаги “Экваториал чодак”, Когон шаҳридаги “Кончи” ва “Пром текстиль”, Ёшувон ва Пешку туманларидаги ёғ-мой корхоналари, Бухоро шаҳридаги меҳмонхона ва Бухоро туманидаги тиббиёт бирлашмасидир.

Давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, ушбу мажмуаларни ишга туширди. Шундан сўнг Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чоралари, бу борада йил якунига қадар амалга оширилиши фазалар муҳокама қилинди. Аввало, иқтисодий кўрсаткичлар қайд этилиб, қўшимча имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

Жорий йилнинг олти ойида Бухорода саноат 5,3 фоизга ўсган. Жами экспорт 124 миллион долларни ташкил этган. Шу даврда 250 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 бараварга ошган. Лекин айрим шаҳар ва туманларда бу кўрсаткичлар тушган.

Йил якунига қадар 858 лойиҳа ишга туширилиб, 15 мингта иш ўрни яратилиши айтиб ўтилди. Шунингдек, 250 минг аҳоли бандлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Саноатда импортни 150 миллион долларга қисқартириб, экспортни 400 миллион долларга етказиш вазифаси белгиланди. Вилоятнинг туризм салоҳиятини тўлиқ ишга солиб, 25 минг аҳолининг бандлиги ва 300 миллион доллар экспорт тушумини таъминлаш мумкинлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ҳисоботи эшитилди.

Давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВ,
Зариф КОМИЛОВ,
ЎЗА мухбирлари

Мустақиллигимизнинг 32 йиллигига

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

◀(Бошланиши 1-бетда)

Бинобарин, жамиятда қонун устуворлиги таъминланса, судлар адолатли ва ҳолис фаолият юритса, мулк дахлсизлиги сўзсиз ҳимоя қилинса, халқнинг давлатга ишончи ортади, иқтисодий ривожланади ва аҳоли фаровонликка эришади.

Шу сабабли мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини халқаро мезонларга мувофиқ ривожлантиришга стратегик аҳамиятга эга вазифа сифатида қаралмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан сўнгги йилларда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган муҳим чоралар қўрилди.

Амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда судлар фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, тизимдаги шиддатли янгиланишлар фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш имконини берди.

Судьянинг мустақиллиги, дахлсизлиги, улар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги давлат томонидан кафолатланган. Бу одил судловга эришиш – қонуний, асосланган ва адолатли суд қарорлари қабул қилишнинг асосий омилларидан биридир.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг самарали ва изчил амалга оширилишида сифатли ҳуқуқий тартибга солиш тизими, қонун ижодкорлиги жараёни муҳим аҳамият касб этади.

Конституциямизга мувофиқ Олий суд ўз ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи қонун лойиҳасини Парламентга киритиш орқали амалга оширилади.

Судлар ўз фаолиятининг хусусиятидан келиб чиқиб, қонунчилик нормаларининг амалиётда қўлланилишини таҳ-

лил қилади. Қонунчиликдаги бўшлиқларни аниқлайди ва суд амалиёти асосида ҳуқуқ нормаларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади.

2017 йилдан бугунги кунга қадар Олий суд томонидан 250 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари, шу жумладан, 150 дан ортиқ қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Олий суд томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари судьялар ва мухтаassisлар, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинади. Заруриятга қараб ҳар қандай экспертизанинг тақлиф ва мулоҳазалари оли-

Бу ҳужжатлар билан «Инсон қадрини унун» ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришилмоқда. Шу орқали халқимиз, жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, суд қарорларининг қатъий ижросини таъминлаш, «Янги Ўзбекистонда – янги суд» тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш, соҳага илғор халқаро мезон-

биркорлик ва инвестициявий муҳитни яхшилаш нуқтаи назардан такомиллаштирилди. Фуқаролик ва иқтисодий судларда судгача мажлис, соддалаштирилган тартибда иш юритиш, медиация каби янги институтлар жорий қилинди.

Маъмурий одил судлов тизимини шакллантирилди. Бу борада фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маъмурий судларнинг роли кучайтирилиб, улар фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланмоқда.

Айни пайтда Президентимизнинг 2023 йил 16 январдаги Фармони билан тасдиқланган 2023 – 2026

тиш мақсадида процессуал кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қонун лойиҳалари Парламентга киритилган. Уларда асосан қуйидаги янги тартиблар назарда тутилмоқда:

туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда қўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиш;

вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида қўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш;

вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида қўрилган ишларни Олий суднинг судлов ҳайъатларида тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш; юқори инстанция судлари томонидан ишни янгидан кўриш учун қуйи судларга юбориш тартибини бекор қилиш ва уларга иш бўйича яқуний қарор қабул қилиш масъулиятини юклаш.

Президентимиз Фармонида асосан маъмурий суд иш юритувини такомиллаштириш мақсадида **Маъмурий суд иш юритувини такомиллаштириш концепцияси** ишлаб чиқилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасига оид қабул қилинаётган қонунлар одил судлов самарадорлигини ошириш, қонуний ва адолатли суд қарори қабул қилиниши орқали аҳолини судлардан рози қилиш, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган. Зеро, Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалалар фақат одил суд томонидан адолатли ечим топилиши керак.

Суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди. Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Шербек НАЗАРОВ,
Олий суд бўлим бошлиғи



Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ва ҳуқуқий экспертиза, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган қонун лойиҳалари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилади. Парламент вакилларининг чуқур мунозара ва муҳокамаларидан ўтган қонунлар қабул қилинади.

Ушбу даврда Президентимиз илгари сурган ғоя ва ташаббусларни амалга оширишга қаратилган ҳамда суд амалиёти таҳлиллари асосида ишлаб чиқилган суд тизими оид 60 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

ларни жорий этиш чоралари қўрилмоқда.

Хусусан, жиноят қонунчилиги янада либераллаштирилди, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар рўйхати, «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳаси, ярашув институти кенгайтирилди. Шунингдек, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Фуқаролик ва иқтисодий процессуал қонунчилик судларга мурожаат қилишда аҳолига қўлайлик яратиш, тад-

йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муددатли стратегияси ижроси алоҳида эътиборда турибди. Унда белгиланган вазифалар доирасида одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш устида изчил иш олиб борилмоқда.

Суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинганини текширишнинг фуқароларга қўлай ва соддалаштирилган тартибини яра-

◀(Бошланиши 1-бетда)

Олий суд томонидан судларга кредит қарздорлигини ундириш билан боғлиқ ишлар юзасидан 2022 йил 1 июлидан бошлаб суд буйруғи чиқариш ва уни ижрога юбориш орқали ҳал этиш, шунингдек, Савдо-саноат палатасининг ушбу мазмунда асосий ундирувчи, яъни банк ёки бошқа шахс манфаатида судга мурожаат қилиши қонунга зид бўлмагани туфайли улар томонидан берилган суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризалар ҳам қўриб чиқилиши юзасидан кўрсатма берилган. Бундан кўндаланга мақсад судларда иш ҳажми ҳамда суд харажатлари миқдорини камайтириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ортиқча овозгарчилигининг олдини олишдир.

Бундан ташқари вилоят судлари ва қуйи судларга гаров мулкни билан боғлиқ бўлмаган кредит суммаларини ундириш ҳақидаги ишларни даъво тартибида эмас, балки буйруқ тартибида қўриш тушунтирилган. Ўтган йилда Навоий вилояти фуқаролик ишлари бўйича туман ва туманлараро судлари томонидан кредит қарздорлигини ундириш билан боғлиқ низоларга оид 1 минг 971 та суд буйруғи чиқарилган.

Шу ўринда Фуқаролик кодексининг 279-моддасидаги **“гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувчи қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган**

мол-мулкка қаратиш мумкин” деган қоидага эътибор қаратиш зарур.

Агар гаров билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бузилиши жуда арзimas бўлса ва шу туфайли гаровга олувчи талабларининг миқдори гаровга қўйилган мол-мулк қийматиغا мутлақо мос келмаса, ундирувчи гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни рад этиш мумкин.

Аммо амалиётда узок муددатли ипотека кредитлари бўйича қарздор муайян давр учун, масалан, 3-4 ойлик қарздорлик вужудга келган ҳолларда банклар кредитнинг қолган барча қисмини муздатида илгари ундириш ҳақидаги талаб билан мурожаат қилмоқда. Яъни кредит бўйича вужудга келган реал қарздорлик эмас, балки кредитнинг ҳали муздати келмаган қисмини ҳам олдиндан бирийўла ундириш талаби қўйилмоқда.

Бу кредит маблағи олган шахсини қийин ахволга солиши баробарида давлат божининг ҳам реал қарздорлик учун эмас, балки даъво суммасидан келиб чиққан ҳолда бутун кредит суммасига нисбатан ҳисобланишига олиб келади. Натижада қарздор кредит қарзини бирийўла тўлай олмаган тақдирда ундирув гаров мулкига қаратилмоқда.

Мисол учун Савдо-саноат палатаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси «Ипотека банк» манфаатини кўзлаб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Унда «Ипотека банк»нинг Навоий вилояти филиали ва Ф.Жаҳонгирова, (исм-шарифлар ўзгаририлган) билан биргаликда

Таҳлил ва тақлиф

Кредит қарзини

қарз олувчи С.Оптибоев ўртасида 2021 йилнинг 1 ноябрда имзоланган ипотека кредит шартномасига асосан:

- Нурога тумани, “Эшон Судур” маҳалласида жойлашган умумий қурилиш майдони 48,09 квадрат метр, яшаш майдони 27,0 квадрат метр бўлган 2 та хонадан иборат турар жой биносини сотиб олиш учун 17 фоиз миқдорда тўловларни амалга ошириш шarti билан йигирма йил муздатга 175 миллион 215 минг 600 сўм миқдорда узок муздатга кредит маблағи ажратилгани;
- кредит таъминоти сифатида кредитга олинган ана шу хонадан гаровга қўйилгани;
- 2022 йил 4 август ҳолатига қўра, кредитнинг муздати ўтмаган қисмидан 174 миллион 476 минг 968 сўм, фоиз қарзи 1 миллион 633 минг 783 сўм, жами 176 миллион 110 минг 751 сўм кредит қарздорлиги мавжудлиги қайд этилган.

Суддан жавобгарлар – Ф.Жаҳонгирова ва С.Оптибоевдан кредитнинг муздати ўтмаган қисмидан 174 миллион 476 минг 968 сўм, 1 миллион 633 минг 783 сўм фоиз қарзи, жами 176 миллион 110 минг 751 сўм кредит қарздорлигини ундиришни, ундирувчи гаров мулкига қаратиш сўралган.

Аникланишича, «Ипотека банк»нинг

Навоий вилояти филиали ва жавобгарлар ўртасида тузилган юқоридаги кредит шартномасига асосан банк томонидан жавобгар Ф.Жаҳонгировага 175 миллион 215 минг 600 сўм ипотека кредит маблағи ажратилган.

Кредит таъминоти сифатида мазкур хонадан давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг гаровга қўйилган деб ҳисобланиши белгиланган. Кўчмас мулк 2021 йил 4 ноябрда Ф.Жаҳонгированинг номига давлат рўйхатидан ўтказилган.

Судга даъво аризаси киритилган, жавобгар томонидан 4 миллион 973 минг 737 сўм муздати ўтган қарздорлик тўланган. Аммо 174 миллион 177 минг 835 сўм муздатли кредит қарздорлиги, яъни тўлов муздати ҳали келмаган кредит қарзи сақланиб турган.

Суд жавобгар томонидан кредит суоиларни белгиланган муздатларда тўламагани натижасида муздати ўтган қарздордорлик вужудга келгани, шу сабабли жавобгардан жами кредит қарзини ундириш лозим бўлса-да, лекин бу жавобгарнинг мулкий аҳолини ёмон ҳолатга келтириши, кредитни тўлаш муздати 240 ой ҳисобланиши, жавобгарга яна бир марта имконият бериб,

Тарих тилсимлари

√0 — ЖАҲОНШУМУЛ КАШФИЁТ

ёхуд ал-Хоразмийнинг бой илмий мероси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Улуғ олим тахминан 783 йилда Хива шаҳрида туғилган. У ёшлигидан география, тарих, математика, астрономия каби фанларни чуқур ўрганган. Бундан ташқари у араб, форс, юнон, санскрит (қадимги ҳинд), яҳудий тилини ҳам яхши билган.

Уруш натижасида ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлган олим Бағдод халифалигида фаолият юритган. Бу ерда 813-833 йилларда ҳукмронлик қилган халифа Маъмон олимларни саройга тўплаб, уларга ҳомилийк қилади. У ташкил этган олимлар уюшмасига "Донишмандлар уйи" деб ном берилди. Шарқдаги биринчи "Академия" номини олган бу илм даргоҳига ал-Хоразмий раҳбарлик қилиб, катта кутубхона тузади. Бу кутубхонадаги китобларнинг сони 400 000 тадан зиёд бўлган.

Ал-Хоразмий уч марта катта экспедиция уюштириб, китобхона фондини араб, форс, сурёний, юнон ва бошқа тиллардаги асарлар билан тўлдиради. Ана шу экспедициялар натижасида Ҳиндистондан келтирилган "Брахмасихута-Синдханта" асари орқали ислом олимлари ҳинд математикаси ва астрономияси билан танишади.

Ал-Хоразмий халифа Маъмоннинг


топшириғи билан ал-Фаргоний, Саййид Жавҳарий, Абдулло Марвазий каби кўплаб машҳур олимларга раҳбарлик қилиб, "Дунё харитаси"ни тузади. Тарихий манбаларда ушбу харита Птолемей ва Марин ва каби европалик олимларнинг илмий изланишларидан муқаммалроқ экани қайд этилган.

Буюк ватандошимиз математика, геометрия, астрономия, тарих, география ва бошқа фанларга доир кўплаб рисолалар ёзган. Бизгача алломанинг 20 га яқин асари етиб келган.

Унинг "Алжабр ва каби муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб" асари номидан "алгебра" атамаси пайдо бўлган. Ушбу рисола XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилиниб, "Algorithmi" номи билан бутун Европада тарқалган.

Олимнинг арифметикага оид "Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб" рисоласининг фақат биргина лотинча таржимаси нусхаси сақланиб қолган. Ушбу рисолада ҳозир биз ишлатадиган бирдан тўққизгача бўлган рақамлар ва ноль ёрдамида исталган сонни ёзиш, улар билан арифметик тўрт амални бажариш, ўша рақамлар билан ифодаланган сонлардан квадрат илди чиқариш қоидалари изоҳлаб берилган.

Тўққизлик саноқ тизимини араб ва ҳинд ҳисобларини ўрганиш асосида



ўнлик саноқ тизимга айлантиргани ал-Хоразмийнинг энг буюк кашфиётларидан биридир. Бунгача катта ҳисобдаги сонни ифодалаш учун жуда кўп рақамларни ёзиш талаб қилинар эди. Аслида ноль ўз ҳолича ҳеч нарса эмас, аммо у қўшилган, бутун бир вараққа сиғаётган рақамни ихчамлаштириб ифодалайди. Ана шу нол рақами киритилиши билан математика фанида буюк инқилоб содир бўлди. Унинг натижасида кўплаб ажойиб ихтиролар кашф этилди.

"Зиж ал-Хоразмий" ёки "Кичик Синдханд" номли астрономик асар 1126 йилда лотин тилига таржима қилиниб, Европа мамлакатларида "Астрономик жадваллар" номи билан машҳур бўлган. "Ернинг сурати" географик асариде Бағдод халифалигида ўтказилган бир қатор географик ишлар лойиҳалари кўрсатилган.

Буюк олим "Хоҳлаган шаҳар қибласи йўналишини аниқлаш ҳақида рисола", "Намоз вақтларини аниқлаш ҳақида рисола", "Ҳиллол кўриниши ҳақида рисола" каби асарлари билан дунё



тамаддуни ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшган.

Буюк математик ватандошимиз ал-Хоразмий 850 йилда ўз ижод маскани бўлмиш Бағдод шаҳрида оламдан ўтган. Унинг илмий асарлари юнон, лотин, немис, инглиз, голланд ва рус тилига кўп марта таржима қилинган. Буюк олимнинг бебаҳо илмий мероси асрлар оша ўз қимматини сақлаб келмоқда. 1983 йилда олимнинг 1200 йиллик таваллуд айёми жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонлангани ҳам унинг илмий меросига бўлган юксак ҳурмат намунасидир. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги илмий ўқув даргоҳлари ва кўчалар буюк олимнинг номи билан аталади.

Рустам ЖАББОРОВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Буюклик қирралари

Маълумки, дунёга машҳур истеъдодли шахслар юксак салоҳият билан бирга табиатан ўта камтарин, ҳалол ва садоқатли бўлишган. Албатта, юксак истеъдод билан бирга бундай ҳайратомуз инсоний фазилатлар уларнинг шахсини янада мукаммалаштирган. Бунга кўҳна тарихдан кўндан-кўн мисоллар келтириш мумкин. Масалан, америкалик машҳур актёр Чарли Чаплин юксак истеъдоди билан бирга ниҳоятда софдил, ҳалол ва ростгўй инсон сифатида ҳам обрў-эътибор қозонган.



БИР ҒАРОЙИБ тухфа тарихи

Айтиш керакки, Чарли Чаплин ўзининг ақлбавар қилмас хатти-ҳаракати билан бетакрор санъат намуналарини яратган ва кино оламида ўзидан ўчмас из қолдирган. Унинг ноёб истеъдоди ҳали-ҳануз миллионлаб санъат ихлосмандларини ҳайратга солиб келмоқда.

Чарли Чаплин ҳаётда ҳам ўта камтарин ва саховатли инсон бўлган. Эҳтимол, шу боис у кўндан-кўн қизиқарли воқеаларни бошидан кечирган. Қуйида ана шундай ғаройиб воқеаларнинг бирини ҳикоя қиламиз.

Кунлардан бир куни Чарли Чаплин одатдагидек, Нью-Йорк метросида уйига қайтади. У уйига келгач, чўнтагига кўл солса, қутилмаганда, қимматбаҳо тилло соат чиқади. У тилло соатни кўриб, бирдан шошиб қолади, бу қимматбаҳо буюм чўнтагига қаердан тушиб қолганини ўйлаб, тайин жавоб тополмайди. Дўстларидан бири ҳазиллашиб, тилла соатни билдирмай чўнтагига солиб қўйдимкин?! Йўқ, бундай бўлиши мумкин чиққан. Ўрталарида икки нафар фарзанд туғилгач, ўзаро келишмовчиликдан сўнг ажралишган. Шундан сўнг Мунира Жавлон исмли шахс билан шаърий никоҳ асосида яшган ва ундан учинчи фарзанди – Адиба туғилган. Оиладаги ўринсиз жанжаллар жонига теккан Жавлон ҳам аёлни болалари билан ташлаб кетади.

Суд ҳукмига асосан М.Икромжоновнинг уч нафар фарзанди "Болалар уйи"га жойлаштирилди. Унинг ўзи Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан тўрт йил олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Мухтасар қилиб айтганда, хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятлар жамиятимизнинг ориқли муаммоси ҳисобланади. Уларнинг олдини олиш учун маҳалла фаоллари ҳамда хотин-қизлар масаласига масъул бўлган идоралар ўз фаолиятларини янада кучайтириши зарур.

Зарифа АҲМЕДОВА, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди судьяси Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Куч – адолатда" муҳбири

до бўлди ва уни билдирмай чўнтагингизга солиб қўйдим. Бизга мол қаҳат эмас. Омон бўлинг!

Чарли Чаплин бу хатни ўқиб, кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмайди.

Қисқаси, шундан сўнг орадан бир йил ўтади. Бироқ орадан шунча вақт ўтса-да, Чарли Чаплин полиция маҳкамасига топширган тилло соатнинг эгаси топинмайди. Ҳолбуки, полиция маҳкамаси томонидан ушбу топилма ҳақида маҳаллий газетларда кетма-кет эълон берилганига қарамай бирон-бир кимса соат меники эди, деб сўраб келмайди.

Полиция эса, амалдаги тартибга кўра, тилла соатни яна Чарли Чаплиннинг ўзига қайтарди. Чарли Чаплин ҳам тақдирининг бу ҳангомаларидан таянжубга тушиб, тилло соатни олиб қолади.

Аслида бу ғаройиб воқеа шу билан якун топиб, тилла соат можароси Чарли Чаплиннинг ёду ҳаёлидан ҳам кўтарилиб кетиши мумкин эди.

Аммо полиция маҳкамаси тилло соатни қайтариб берганининг эртаси куни Чарли Чаплин яна битта ғалати мактуб олади. Бу мактуб илгартирисида ҳам ғаройиб, унда шундай сўзлар битилганди:

"Мухтарам жаноб Чаплин! Сиз мени танимайсиз, биз ҳаётда ҳеч қачон юзма-юз ўтириб суҳбатлашмаганмиз. Аммо бунга қарамай мен сизнинг бетакрор санъатинингизнинг ҳақиқий мухлисиман. Энди бу мактубни битишдан кўзлаган мақсадимни айтсам, ўтган йили Нью-Йорк метросида тилла соатимни йўқотиб қўйгандим. Соат соф олтиндан ишланган, қимматбаҳо эди, шу боис ўша пайтда қаттиқ изтиробга тушгандим. Аммо кейинчалик газеталарда чоп этилган эълонлардан ўқиб билдимки, қандайдир чўнтаккасар ўғри тилла соатни ўғирлаб, сизга тухфа этган экан. Буни эшитиб, рости гап, лича хотиржан тортидим. Шу боис полиция маҳкамасига ҳам соатни сўраб бормадим. Энди бу тилла соатни менинг номимдан тухфа сифатида қабул қилишингизни ўтиниб сўрайман. Ва яна сизнинг бетакрор санъатингизни чўнтаккасар ўғридан кам ҳурмат қилмаслигингизни раъзи сифатида тилла соат учун тилла занжир ҳам юбордим.

Доимо соғ бўлинг! Сизнинг мухлисингиз".

Интернет материаллари асосида Бобомурод РАЙИМОВ тайёрлади.



◀ (Бошланиши 3-бетда)

Айниқса, айнаи шу мақсад йўлида жаҳон андозаларига уйғун тарзда қабул қилинган қонун ҳужжатлари юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, қобилият ҳамда имкониятларини юзага чиқариш, меҳнат бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги пайтда ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис штати жорий этилган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг худудий бўлиmlлари фаолияти йўлга қўйилган.

Бундан ташқари "Хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамоат фонди" маблағи ҳисобидан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, иш шарт шартларини яхшилаш, қишлоқ жойларида яшайдиган аёлларни оилавий ва ҳусусий тадбиркорликка жалб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, кейинги йилларда хотин-қизлар билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш, уларнинг дард ва ташвишларини тинглаш, муаммоларини ечиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган "Аёллар дафтари" тизими орқали кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож хотин-қизларнинг муаммолари ҳал этилмоқда.

Хусусан, уларга тадбиркорликни йўлга қўйиши учун 33 миллион сўмгача имтиёзли кредит маблағи ажратилмоқда. Айрим тоифадаги хотин-қизларга олиш таълим муассасаларида ўқиш учун тавсияномалар берилмоқда. Оғир ижтимоий аҳволдаги хотин-қизлар имтиёзли уй-жойлар билан таъминланмоқда. "Аёллар дафтари"га киритилган ижтимоий ёрдамга муҳтож аёлларнинг болаларини давлат мактабгача ташкилотларига қабул қилишда имтиёз жорий этилган.

Қонунчиликда аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки

Турмуш чорраҳаларида

АЁЛ НЕГА жиноятга қўл уради?

касбларда қўллаш бўйича таъқиқларга барҳам берилгани, меҳнат таътили ва бола парвариши билан боғлиқ бир қатор имтиёзлар белгилангани ҳам эътиборга молик.

Аммо бунга қарамай аёллар ўртасида ҳам жиноят содир этаётганлар бор. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, шу йилнинг дастлабки ярим йилида жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида мазмунан кўриб чиқилган 8 та товламачилик жиноятининг 5 таси, 194 та фирибгарлик жиноятининг 44 таси аёллар томонидан содир этилган. Шу йилнинг ўтган олти ойида 4 нафар аёлга нисбатан одам савдоси жиноятини содир этганлик учун суд ҳукми ўқилган.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга тўхталсак, Жамшид Убайдуллаев (исм-шарифлар ўзгартirilган)га яқин танишлари "Одноклассники" ижтимоий тармоғида унинг номидан профил очилгани ва унда турли бўлмағур сўзлар ёзилганини маълум қилади.

Ж.Убайдуллаев ушбу тармоқни кўздан кечирганда, ҳақиқатдан ҳам, профилда ўзининг расми тургани ва унинг остига шаънини камситадиган бир-биридан ҳақоратли сўзлар ёзилганига гувоҳ бўлади. Шунда "Бу Зоҳиданинг иши, барибир айтганини қилибди-да" деган фикр миясига гўёки тўқмоқдек урилади.

Гап шундаки, Ж.Убайдуллаев бундан икки ой олдин ижтимоий тармоқда Зоҳиданинг аёл билан танишади. У ўзининг ёлғизлиги ва қийин аҳволда эканини айтиб, кийим-кечак олиб беришни илтимос қилади. Ж.Убайдуллаев бу таклифга кўниб, Зоҳидани бозорга таклиф этади.

– Бозорда сотиладиган кийимларни киймайман, – дейди Зоҳида. – Шаҳардаги қим-

матбаҳо дўконлардан олиб берасиз. Нотаниш жувоннинг буйруқнома гапи Жамшидга оғир ботади. Шу боис дўкондан кийим сотиб олиб беролмаслигини, ўртада олди-берди ёки қарзи йўқлигини айтади. Бунга жавобан Зоҳида уни ножўя сўзлар билан ҳақоратлаб, ҳаммининг олдида шарманда қилишини айтади.

Табиийки, Ж.Убайдуллаев ҳам жувоннинг галига яраша жавоб қайтаради. Шу тариқа ўрталаридаги айтишув дилхиралик билан якун топади. Бироқ орадан икки кун ўтиб Зоҳида яна Жамшидга кўнги-роқ қилади ва ҳеч бир сабабсиз куракда турмайдиган сўзлар билан уни ҳақоратлайди. Сўнгра "Одноклассники" ижтимоий тармоғида расмларини кўриб жуда хурсанд бўламан" дея телефонни ўчириб қўяди.

Макқора аёлнинг ўзининг номидан профил очиб, расмини жойлаштиргани ва ҳал қоратли сўзларни ёзганини кўриб, Ж.Убайдуллаев у билан учрашиб, интернет тармоғидаги профилни ўчиришни сўрайди. Шундан Зоҳида маҳалласи ва оиласига бориб шарманда қилмаслик эвазига 100 АҚШ долларини беришни талаб қилади. Иложисиз қолган Ж.Убайдуллаев шу заҳотиёқ Зоҳиданинг талабини бажаради. Пулни олгач, Зоҳида унга интернет тармоғидаги материалларни ўчириб ташлашга ваъда беради. Лекин орадан кунлар ўтса-да, у бу ишни пайсалга солаверади. Шу сабабли Жамшид у билан яна учрашишга мажбур бўлади.

– Мендан кутулганинг йўқ, яна 400 АҚШ долларни бераман, – дея талаб қўяди жузавон. – Акс ҳолда профилни ва расмларни ўчирмайман, ҳолингга маймуллар йиғлайди. Иложисиз қолган Ж.Убай-

дуллаев Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи номига ариза билан мурожаат этади. Товламачи З.Фахриддинова 400 АҚШ долларини олаётган чоғида жиноят устида қўлга олинади. Иккинчи мисолга тўхталсак, Самарқанд шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси 8-сонли ички ишлар бўлими бошлиғи номига "Умида" ва "Акбар" исмли шахслар ариза билан мурожаат қилиб, Мунира исмли аёл 2020 йилда турилган қизини пул эвазига сотмоқчи экани, унинг жиноий фаолиятига чек қўйиш учун ўтказиладиган тезкор тадбирда иштирок этишига розилигини билдиришади.

Шундан сўнг ушбу ариза асосида суриштирув ўтказилганда, ҳақиқатан ҳам, Мунира қизи Адидани 5 минг АҚШ долларига сотмоқчи экани аниқланади. Дастлаб "харидор"лар Мунирага 1 минг 500 АҚШ доллари беришни айтимоқчи бўлиб, Мунира қолган 3 минг 500 АҚШ долларини фарзандининг ҳужжатлари расмийлаштирилганидан кейин олишга рози бўлади.

Холислар иштирокида ўтказилган тезкор тадбир чоғида М.Икромжоновна вояга етмаган Адидани "Умида" ва "Акбар"га 1500 АҚШ долларига сотган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинади.

Энди баён этилган жиноят ишларини таҳлил қилган бўлсак, биринчи воқеадаги З.Фахриддинова бирон-бир жойда фойдали меҳнат билан шуғулланмаган. У ўзгаларнинг ортидан текин яшашни кўзлаган. Текин моддий манфаат кўриш мақсадида товламачилик йўлини тутган. Суд Жиноят кодексининг 165-моддаси

